

МАЪРИФАТЛИ ИНСОН – ўқимишли киши, зиёли, илмли, ориф, фозил, олим, муаллим, устоз, мураббий, ахлоқан комил инсон. М.и. кўпроқ маориф соҳасида қўлланади. Бироқ, М.и. сўзи ўзагида ориф сўзи ҳам борлиги учун бу бирикмани нафақат таълимда, балки барча соҳалардаги илмларни эгаллаган ва барча ахлоқ меъёрларини ўзлаштирган одоб-ахлоқли кишиларга нисбатан қўлласа бўлади. М.и.нинг зидди жоҳил, саводсиз, беадаб инсондир. М.и. комил инсон билан тенглаштирилади. Маъ-ят таянчи — М.и.лардир. Жамиятни М.и.ларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамият элитасини, афкор оммасини М.и.лар белгилайди.